**Inson manfaatlari — oliy qadriyat**

# ADOLAT

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

№ 8 (1525) 2025-YIL 28-FEVRAL, JUMA




Юзма-юз мулоқот










# НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛАДИ, МУАММОЛАР ҲАЛ БЎЛАДИ

*“Адолат” социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари мамлакатимиз ҳудудларида “Аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон ҳамда сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминланганлик даражасини ошириш” ҳамда “Ҳудудларда аҳоли орасида онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлаш” борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш мақсадида жойларга чиқиб, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, дорихоналар ва тиббиёт муассасалари фаолиятини ўрганишмоқда.*

2




## Истиқлолни орзу қилган миллатпарвар аллома

Ҳазрат Соғунийнинг эътирофича, *“...Инсониятнинг оламининг офати, заҳарлик меваси ҳисобланган коммунистлар бозори қандай ерда қизиди? Сўзга тушунмаган, ҳеч нарса билмаган, айниқса, йўқсиллик-камбағалликда яшаётган гумроҳ, Ватан, миллат нима эканлигини билмайдиган онгсиз нодонлар кўп бўлса, мана шулар ичидагина ривожланиб, тезда ишлари авж олди”...*

5

## Йўл талашиб...

“Матиз” русумли автомобиль сиқиб ўтиб, бирданига тормоз босган. Шундан кейин “Матиз” кетмасдан жойида тураверган. Ҳайдовчидан нима сабабдан туриб қолганини сўраганида баланд овозда жаҳл қилган...

4

## КРЕДИТ СОҲАСИДАГИ ФИРИБГАРЛИКЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Энди кредитни онлайн тарзда, масофадан туриб ҳам расмийлаштиришингиз мумкин бўлади. Яъни, сиз энди интернет орқали ариза топшириш ва хулоса олиш имконига эгасиз. Банкка бориб, навбат кутиш ёки ҳужжатларни махсус жойларда текшириш каби ортиқча оворагарчиликларнинг олди олинади.

3

## Янги Наманган ҲЭТК ишчи-ходимлари “ADOLAT” билан ҳамнафас

Газеталар мамлакатдаги бунёдкорликларни юзага чиқаришда, хатоларни ўнглашда, муаммоларни бартараф этишда, халқ онгини оширишда, илм-фанга бўлган қизиқишни кучайтиришда бирламчи куч ва синмайдиган ойна ҳисобланади.

Газета ахлоқ, одоб ва оилавий муносабатларни изга солиш, келажак авлодни тарбиялаш, адабиёт, санъатни тушуниш, ҳунар ва касбни эгаллаш ҳамда янги ғоялар пайдо бўлишига илҳом бағишлайдиган воситадир.



# НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛАДИ, МУАММОЛАР ҲАЛ БЎЛАДИ

Депутатларнинг вазифаси фақат қонунларни яратиш эмас, балки халқнинг хоҳишидан келиб чиқиб, мамлакат келажагини шакллантириш ҳамдир. Улар жамиятни юксалтириш, ижтимоий адолатни таъминлаш ҳамда янги имкониятлар очиш учун курашадилар. Шунингдек, депутатларнинг асосий иш фаолияти инсонларнинг ҳаётини яхшилашга, уларнинг эҳтиёжларини ҳис қилишга ва жамиятда барқарорликни таъминлашга қаратилган.

Халқ сайлаган депутатлар ўз вазифасини қанчалик сидқидилдан бажармоқда, деган саволга уларнинг халққа қанчалик яқинлигини билиш орқали жавоб топса бўлади.



“Адолат” социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари мамлакатимиз ҳудудларида “Аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон ҳамда сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминланганлик даражасини ошириш” ҳамда “Ҳудудларда аҳоли орасида онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлаш” борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш мақсадида жойларга чиқиб, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, дорихоналар ва тиббиёт муассасалари фаолияти билан яқиндан танишмоқдалар.

Ўрганишлар жараёнида фракция вакиллари, аввало, ҳудудларни арзон ҳамда сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратди. Жумладан, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифатини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган лаборатория текширувлари, ваколатли ташкилотлар фаолияти, сифатсиз ёки қалбаки дори воситаларини аниқлаш ҳамда улар савдосининг олдини олиш учун кўрилаётган чоралар таҳлил қилинди. Шу билан бирга, дори воситалари нархининг асоссиз ошиб кетмаслиги учун амалга оширилаётган тартибга солувчи механизмлар, хусусий дорихоналарда нархларни мос даражада ушлаб туриш ҳамда аҳоли харид қобилиятини ҳисобга олиш бўйича кўрилаётган чоралар, дорихоналарда рақамли технологияларни жорий қилиш, онлайн мониторинг тизими, ҳукумат томонидан белгиланган “шоҳ” кўрсаткичлар устидан назорат механизми ва хусусий дорихоналарда аҳолига қулайлик яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги **“Адолат” СДП фракцияси раҳбари Робахон Махмудова** Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сурхондарё филиали фаолияти билан яқиндан танишиб, беморлар ҳолидан хабар олди. Мазкур тиббиёт муассасаси 320 ўринга эга бўлиб, воҳа аҳолисига самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Робахон Махмудова ўрганиш жараёнида аҳолига замонавий ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишларни, беморлар учун яратилган шарт-шароитлар, аутсорсинг орқали уч маҳал озиқ-овқат билан таъминлаш, тиббий суғурта ва электрон қабул тизимларининг йўлга қўйилганини юқори баҳолади. Олиб борилган ўрганишлар доирасида аҳолига онкологик ёрдамни янада сифатли ташкил этиш мақсадида касалликларни эрта аниқлаш профилактикаси бўйича амалга оширилаётган ишлар, онкология марказида даволаш, диагностика, дори воситалари билан таъминланганлик ҳолати таҳлил қилинди. Жараёнда муассасадаги нур аппаратларини қайта қувватлаш муддати яқинлашгани, иммуногистохимия (ИГХ) текшируви учун реактивлар харид қилиш зарурлиги аниқланди. Шунингдек, марказда амалга оширилаётган Дистанцион нур терапия жараёнини давом эттириш учун нур чиқарувчи манбани алмаштириш ва 1 йиллик сервис тўлови (360 миллион сўм) талаб этилмоқда. Бир неча бор маҳаллий бюджетдан маблағ ажратиш сўралганига қарамасдан, бу масала ечимини топмагани маълум бўлди.

Фракция раҳбари аниқланган муаммо ва камчиликлар бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилишини ва уларни доимий назоратга олишини билдирди. Шундан сўнг Робахон Махмудова бошчилигидаги ишчи гуруҳ аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида Халқ қабулхонасида бўлиб, у ерда олиб борилаётган ишлар билан танишди. Фуқароларни қабул қилиб, уларнинг муаммоларини тинглади. Мурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Хусусан, *Термиз шаҳри, "Мажнунтол" МФЙда яшовчи Тамара Шодмонова оғир шароитда яшаётгани, қизи Раънохон Бердиева 2-гуруҳ ногирони экани, улар шаҳардаги 10-ётоқхонада истиқомат қилиши, қизининг нафақаси коммунал тўловларни қоплашга етмаётганини билдирди.* Робахон Махмудова ушбу масалани назоратига олиб, вилоят ҳокимлиги вакили билан музокара олиб борди ва муаммо жойида ҳал этилди.



Ўрганишлар давомида *Термиз шаҳри, "Боғишамол" МФЙда яшовчи Ҳайитой Холмуродова жигар циррози ва тизза емирилиши касалликларидан азият чекаётгани, тўрт фарзандидан икки нафари ногирон экани, кичик ўғли ишсиз эканини айтиб, ўғлини иш билан таъминлашда ёрдам сўради.* Партия раҳбари шаҳар бандлик хизмати вакили билан суҳбатлашиб, муаммони ҳал қилиш бўйича келишувга эришди.

Куннинг иккинчи қисмида ишчи гуруҳ вакиллари ҳудуддаги кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари, ерларни турли зироатлар учун тайёрлаш, боғ яратиш ва бошоқли дон экинларини парваришлаш жараёнлари билан танишди. Термиз туманида жойлашган, қўшни Афғонистон билан чегарадош “Орол” маҳалласи хонадонларида бўлди. Аҳолисининг 60 фоизини туркманлар ташкил этадиган ушбу манзилда ердан унумли фойдаланиш, иссиқхона хўжаликлари ташкил этиш ва томчилатиб суғориш тизимида сабзавот-полиз экинлари етиштиришни ривожлантириш борасида кўрилаётган чоралар ниҳоятда эътиборли. Бу йил маҳалладаги 480 та иссиқхона сафига яна 200 га яқин ихчам иссиқхона қўшилар экан. Масалан, Дониёр Омонов дастлаб хонадонида 2 сотихлик иссиқхона қурган. Олган фойда ҳисобига яна 12 сотихлик иссиқхона барпо этибди. Эътиборлиси, иссиқхона газ билан эмас, уч қаватли махсус плёнка билан иситилар, тежамкор технология асосида томчилатиб суғорилар экан. Ёмғир суви йиғилиб, қайта фойдаланилиши эса энг замонавий тажрибалар ҳаётга татбиқ этилаётганидан далолат беради. Дониёр Омонов иссиқхонадан тушган даромади эвазига уйини таъмирлаб, энди “Aida” навли булғор қалампиридан янада юқори ҳосил олишни режалаштираётганини айтди.

Ихчам иссиқхоналар қуриш, оилавий тадбиркорликни кенгайтириш ҳисобига камбағалликка барҳам бериш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш партиямиз дастурий мақсадларининг энг устувор вазифалари сирасига киради. Ишчи гуруҳ вакиллари маҳалла аҳолисига миллий қонунчилигимиздаги янгиликлар, давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар ҳақида атрофлича тушунча бериб, бу каби ижтимоий лойиҳаларни янада кўпайтириш учун кўрилаётган чоралар хусусида суҳбатлашди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Тоҳир Полвонов** Хоразмда бўлиб, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари ҳолати билан танишди. Тиббий муассасалардаги бирламчи тизимда онкологик ёрдамни янада сифатли ташкил этиш, касалликларни эрта аниқлаш ва профилактикаси юзасидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан ўрганиш ишларини олиб борди.

Хусусан, депутат Янгибозор туман тиббиёт бирлашмасида бўлиб, бирлашма бош шифокори Меҳрибон Ваисова билан муаммо ва камчиликлар тўғрисида суҳбатлашди ва онкогинеколог хоналари фаолиятини ўрганди. Хонанинг замонавий аппаратлар билан таъминлангани ва беморлар электрон базаси мавжудлиги ҳамда бошқа масалалар билан қизиқди. Шунингдек, депутат "Xayitboy" хусусий корхонасига қарашли 1-сонли дорихона фаолияти билан ҳам танишди. Унда аҳолига етказиб берилаётган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати, сифатсиз ёки қалбаки дори воситалари савдосининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ва бошқа масалаларга эътибор қаратди.



Ҳудудлардаги ўрганишлар доирасида **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Якубов** Жиззах вилоятида бўлиб, ҳудуддаги тиббиёт муассасалари ҳолатини ўрганди. Ўрганишда депутат Шуҳрат Якубов, партиянинг вилоят кенгаши раиси Ориф Шукуров, маҳаллий Кенгаш депутатлари, Жиззах вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари иштирок этди.

Депутат дастлаб Жиззах вилоят онкология диспансерида бўлиб, муассасада аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ўрганди. Аҳолига онкологик ёрдамни янада сифатли ташкил этиш мақсадида касалликларни эрта аниқлаш ва профилактикаси юзасидан амалга оширилаётган ишлар, онкология марказида даволаш ва диагностика ҳамда дори воситалари билан таъминланганлик ҳолати текширилди. Шунингдек, депутат Жиззах вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасида бўлиб, тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида белгиланган устувор вазифалар, вилоятда аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон ҳамда сифатли дорилар, тиббий буюмлар билан таъминланганлик ҳолатини ўрганди.

Жойлардаги ўрганишлар давомида **фракция аъзолари Наримон Умаров ва Дилрабо Холбаева** Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали фаолияти билан яқиндан танишди. Жараёнда партия вакиллари онкологик касалликларни эрта босқичда аниқлаш ва даволаш тизимини такомиллаштириш, скрининг жараёнларини самарали ташкил этиш, замонавий скрининг усулларини амалиётга кенг жорий қилиш ҳолати ҳамда кадрлар салоҳияти ва марказнинг моддий-техник базасига алоҳида эътибор қаратди.

Таъкидлаш жоиз, ушбу тиббий марказ айни вақтда кўп минг кишилик аҳолига самарали хизмат кўрсатиб келмоқда. Марказга малакали кадрлар жалб қилинган. Ўрганишлар давомида депутатлар шифокорлар билан марказ фаолияти ва истиқболдаги режаларни ҳамда тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган таклифларни муҳокама қилишди. Тиббиёт маркази моддий-техник базаси имкониятлари аҳоли сонига нисбатан етарли эмаслиги, онкология касаллигини аниқ диагностикалаш ва даволашда муҳим бўлган замонавий тиббий ускуналар ҳамда кимёвий препаратлар билан таъминлаш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, мавжуд асбоб-ускуналар ва даволаш техник воситаларининг аксарияти эскиргани, уларни янгилаш зарурати мавжудлиги айтиб ўтилди.

**"Адолат" СДП фракцияси аъзолари Гулнорахон Абдувоҳидова ва Мавлудахон Адҳамжонова** партиянинг Андижон вилоят кенгашида бўлиб, партия ходимлари билан учрашув ўтказди.



Учрашув жараёнида ишчи гуруҳ тузилиб, аҳоли орасида онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш мақсадида вилоятдаги тиббиёт муассасаларида бўлишди.

Шунингдек, депутатлар ва партия вакиллари маҳаллалар ва бошқа тегишли ташкилотларда ҳам бўлиб, аҳоли билан учрашувлар ўтказмоқда. Учрашувлар давомида онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлаш бўйича олиб борилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинмоқда.

Вилоятлар миқёсида энг зарур, бироқ танқис бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини аниқлаш мақсадида суҳбатлар ўтказилиб, импорт қилинаётган дори воситаларини маҳаллийлаштириш имконияти, нарх ва сифатда миллий ишлаб чиқарувчилар улушини ошириш чоралари муҳокама этилди. Шу билан бирга, вилоятда мавжуд миллий фармацевтика корхоналари фаолияти, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тури ва тиббий амалиётда қўлланиш улуши ҳақида маълумотлар йиғилди. Жараёнда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг вилоятлар кесимида электрон базасини юритиш, қонуний ва ноқонуний маҳсулотлар кириб келиши бўйича статистик маълумотлар ўрганилди. Ҳудудларда дори воситалари ноқонуний савдосининг олдини олиш учун кўрилаётган чоралар самарадорлиги таҳлил этилди. Фракция вакиллари жойларда ОАВ, ижтимоий тармоқлар ва учрашувлар орқали аҳоли ўртасида дори воситалари ва тиббий буюмлар нархи, сифати ҳамда таъминланиш даражаси ҳақида қандай тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётгани билан танишди. Шунингдек, дорилар нархи ва сифати бўйича шикоят қилиш имкониятлари — махсус “ишонч телефонлари”, онлайн платформалар ёки давлат идораларига мурожаат қилиш механизмларининг қай даражада ишлаётганини ўрганишди.

Ўрганишлар давомида аҳолини дори воситалари билан таъминлаш даражасини ошириш, онкологик касалликларни эрта аниқлаш ҳамда уларни даволаш жараёнларини пухта ташкил этиш борасида бир қатор муаммолар аниқланди. Партия фракцияси аъзолари муаммоларни бартараф этиш учун амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағларни мақсадли сарфлашни кучайтириш, электрон ҳисобот ва назорат тизимларини йўлга қўйиш бўйича таклифлар ишлаб чиқмоқдалар. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияси ушбу жараёнларни доимий мониторинг қилиб боради. Аҳолига арзон ва сифатли дори воситалари етказиб бериш, соғлиқни сақлаш тизимида онкологик касалликларнинг олдини олиш ва уларни барвақт аниқлаш учун партия томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар мамлакатимизда тиббий хизмат сифати ва ундан фойдаланиш имкониятини янада кучайтиришга хизмат қилади.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзолари томонидан жойларда аҳоли билан учрашувлар, халқимизни ўйлантираётган муаммоларни ўрганишлар давом этмоқда.

**“Адолат” СДП Матбуот хизмати**

---

Фракция йиғилиши

## Болалар омбудсманининг маърузаси маъқулланди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани)нинг 2024 йилда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан риоя этилиши ҳолати тўғрисидаги маърузаси кўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжат Болалар омбудсманининг Олий Мажлис палаталарига тақдим этадиган биринчи маърузаси бўлиб, унда мамлакатимизда бола манфаатларини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ислоҳотлар, жумладан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг амалга оширилиши, давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бола ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликка риоя этиш ҳолати бўйича маълумотлар акс этган.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга доир фаолияти “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2024 йилда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил номига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари ва омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслардан 1064 та мурожаат келиб тушган. Бу миқдор, 2023 йилга нисбатан солиштирганда, мурожаатлар салмоғи 2.4 бараварга ошганлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, болаларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган норма ижодкорлиги фаолиятига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, 2024 йилда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан 46 та қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари кўриб чиқилиб, бола ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар юборилган.

Йиғилишда депутат Тоҳир Полвонов “Болаларнинг нуқсон билан туғилиш ҳолатларининг олдини олиш борасида қандайдир механизм ишлаяптими?”, деган саволни ўртага ташлади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил бу масала бўйича Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда кузатувлар давом этаётгани, шунингдек, бу борада вазирликка бир қанча таклифлар киритилганини таъкидлади. Вакил бу каби салбий ҳолатлар кўпайишига асосий сабаблардан бири, яқин қариндошлар ўртасида никоҳ эканлигини айтиб, бу борада аҳоли билан кўпроқ тарғибот ишларини олиб бориш кераклигини қўшимча қилди.

Шунингдек, депутат Наримон Умаров “Омбудсман ҳар бир ташкилот билан ҳамкорликда ишлаши кераклигидан келиб чиқиб, 2024 йилда қайси ташкилотлар омбудсман билан етарлича ишламагани ва амалий ёрдамлар берилмагани” хусусида савол билан юзланди.

Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили Сурайё Раҳмонова омбудсман асосан Ижтимоий ҳимоя агентлиги ва Миллий гвардия билан ҳамкорликда ишлаётгани, ҳозирда ушбу вазифа тўлиқ Ижтимоий ҳимоя агентлигига ўтказилгани хусусида фикр билдирди.

Депутатлар сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсат бола ҳуқуқлари соҳасида ҳам ўзининг самарали ифодасини топаётганини алоҳида қайд этдилар. Шундан келиб чиқиб, Болалар омбудсманининг 2024 йилдаги фаолияти ҳақидаги маърузаси маъқулланди.

Йиғилишда, шунингдек, бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилиб, фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Сенатор шарҳи

# КРЕДИТ СОҲАСИДАГИ ФИРИБГАРЛИКЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Иқтисоди ривожланган, мўътадил давлатларда кредит тизими барқарор ишлайди. Муаммолар деярли кўзга ташланмайди. Аммо бу, ҳамма жойда ҳаммаси "беш" дегани эмас, қилинадиган ишлар бир талай. Масалан, кредит олиш, уни расмийлаштириш, фойдаланиш, белгиланган муддатларда қайтаришдаги муаммоларни олинг, бундай муаммолар истаганча топилади.

Боз устига, бу соҳада фирибгарлик ҳолатлари тобора авж олиб бораётгани ҳам бор гап.

Барча давлат идоралари, жумладан, банклар ҳам аллақачон рақамлаштирилган тизимга ўтган бир пайтда мижозларнинг кибержиноятчилар домига тушиб, бир неча сониялар ичида йиллар давомида пешона тери билан топган бойлигидан мосуво бўлиб қолаётгани тўғрисидаги совуқ хабарлар бот-бот қулоғимизга чалиниб, кўнгилни баттар хира қилади.

Бундай хунук ҳолатнинг давом этиши фуқаро – мижоз билан банк ўртасидаги ишончга путур етказиши турган гап.

Бугун атрофимизда кредит ололмаётганидан нолиб юрган юртдошларимизнинг ҳам, кредит олиб қарзини вақтида тўлай олмай "қуён" бўлиб юрган мижозларни ҳам, ўзи бехабар аммо номида бир олам қарзи бор – номига кредит расмийлаштирилиб, оввора-ю сарсон бўлиб юрган кишиларни ҳам кўриш мумкин.

Хўш, нега шундай?

Аслида кредит кимларга берилади?

Уни расмийлаштириш тартиб-тамойиллари, банк ва мижоз масъулияти, қолаверса, шахсга доир маълумотларни "ташқарига билдирмаслик" бугун қанчалар кафолатланган? Фирибгарлар ана шу "ожиз" нуқталардан фойдаланиб, банк ва мижоз ўртасидаги ишонч кўпригига зарар етказмаяптими?..

Маълумотларга қараганда, 2023 йилда киберхавфсизлик йўналишида 6 минг 455 та жиноят содир этилган бўлиб, уларнинг 76 фоизи (4 минг 923 та) фуқаронинг банк пластик карталаридаги пулларни қўлга киритиш билан боғлиқ. Шунингдек, 2024 йилнинг 8 ойида киберхавфсизлик йўналишида (банк картаси билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан) фуқаролар томонидан 36 минг 811 та мурожаат йўлланган, шундан 20 минг 810 таси ўғирлик ва 16 мингтаси фирибгарлик жиноятига алоқадор экани изоҳга ҳожат қолдирмайди.

Олий Мажлис Сенатининг 4-ялпи мажлисида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига кредит соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун юқорида тилга олинган бўшлиқлар ўрнини тўлдиради, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатни мустаҳкамлайди, хавфсизликни кафолатлайди.

Энди кредитни онлайн тарзда, масофадан туриб ҳам расмийлаштиришингиз мумкин бўлади. Яъни, сиз энди интернет орқали ариза топшириш ва хулоса олиш имконига эгасиз. Банкка бориб, навбат кутиш ёки ҳужжатларни махсус жойларда текшириш каби ортиқча оворагарчиликларнинг олди олинади.



**Абдусаид КЎЧИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси**

Мазкур Қонунга жисмоний шахсларнинг улар билан кредит битимларини тузишга тақиқ белгилаш ва уни олиб ташлашга бўлган ҳуқуқларини, уларни Кредит битими тузиш тақиқланган шахслар реестрига киритишнинг тартиби ва шартларини, шунингдек, кредит ахборотидан фойдаланувчиларнинг белгиланган тақиқни бузган ҳолда кредит битими тузганлиги учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Бундан ташқари, кредит бюроларига нисбатан уларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик талабларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар белгиланади.

Қонунда аҳолини кредитлаш соҳасидаги фирибгарлик жиноятларидан ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг хабарисиз улар номига кредит расмийлаштириш ҳамда масофадан туриб онлайн маблағларини ечиб олиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий равишда кредит олишдан воз кечиш механизми жорий этилади.

Бундан ташқари, кредит бюролари маълумотлар базаси негизида кредит битими тузиш тақиқланган шахслар реестрини шакллантириш йўлга қўйилади.

Жисмоний шахсни унинг аризасига кўра кредит битими тузиш тақиқланган шахслар реестрига киритиш (тақиқ қўйиш) ҳамда реестрдан чиқариш (тақиқни бекор қилиш), шунингдек, жисмоний шахс томонидан кредит битимини тузиш тақиқланганлиги ёки тақиқ бекор бўлганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг кредит битими тузиш тақиқланган шахслар реестрида мавжудлиги бўйича ахборотни шакллантириш тартиби белгиланди.

Қонунда жисмоний шахснинг кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестрида мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ва тақиқлаш (тақиқни бекор қилиш) тўғрисидаги аризанинг ҳолати ҳақида ахборот олишда – беришда кредит бюроларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор.

Шунингдек, қонун билан жисмоний шахслар тўғрисида маълумотни Кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестрига киритиш тартиби жорий қилиниб, кредит ахбороти субъекти – жисмоний шахслар томонидан кредит битими тузишни тақиқлаш (тақиқни бекор қилиш) тўғрисидаги ариза билан ягона интерактив давлат хизматлари порталига электрон шаклда, давлат хизматлари марказига ёзма шаклда мурожаат этиш имконияти яратилди.

Табиийки, ушбу чора-тадбирлар, яъни киритилаётган ўзгартиришлар билан кредит ажратишда фирибгарлик ҳолатларининг олди олинади.

Қонунга биноан кредит битими тузиш тақиқланган шахслар реестри жорий этилади.

Фуқароларга мазкур реестрга киритиш бўйича ариза бериш орқали кредит битимини тузишни тақиқлаш имконияти яратилади. Хусусан, кредит битими тузиш тақиқланган шахслар реестри Марказий банк томонидан белгиланган тартиблар асосида кредит бюролари томонидан юритилиши, банклар ва нобанк кредит ташкилотларига реестрни текширмасдан туриб кредит ажратиш тақиқланиши ҳамда реестрдаги фуқарога кредит ажратганлик учун кредит битими бўйича келиб чиқадиган оқибатларга жавобгарлик белгиланмоқда.

Марказий банк томонидан кредит бюроларига нисбатан қоидабузарлик учун чоралар кўрилади ва санкциялар қўлланилади. Бунда кредит бюроларига қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юбориш ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваригача бўлган миқдорда жарима ундириш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига кредит соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуни қонунчиликда шу пайтгача мавжуд бўлган кўзга кўринмас хатарли бўшлиқ ўрнини тўлдира олади деб, бемалол айта оламиз. Қонуннинг ҳар бир бандини ўрганиш, риоя қилиш, ҳаётга татбиқ этиш эса сиз ва бизга, ҳамма-ҳаммамизга боғлиқ.

# ФАОЛ БЎЛАЙЛИК!

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти йиғилишида унинг аъзоси сифатида қатнашар эканман, ғурур-ифтихор туйғуси билан биргаликда, яна бир катта масъулиятли вазифа олдимда турганини, биз, ёшлар эндиликда ҳамма соҳалар бўйича қарор ва қонунлар қабул қилишда ўз сўзимизни, фикримизни айтибгина қолмасдан, унинг ижроси сифатли таъминланаётганини ҳам кузатиб боришимиз зарур эканини ҳис қилдим.

Бугунги кун ёшлари ҳар бир жабҳада пешқадам бўлмоғи, Ватанимиз келажаги учун қабул қилинаётган қонун ва қарорларга эътиборсиз бўлмай, бу ҳужжатлар келажак авлод учун самарали ва ўзини оқлайдиган, ҳар бир фуқаро учун фойдали бўлишини таъминлаши лозим.

Йиғилишда Сенат раиси Танзила Норбоева қабул қилинган қонун ва қарорларни халққа етказиш билан биргаликда улардаги тизимли муаммоларнинг ечимини топишга кўмаклашиш кераклигини таъкидлади. Бундан ташқари, аёллар ва болаларга кўрсатилаётган зўравонлик, тазйиқларнинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот тадбирларида фаол бўлишимиз, хорижий мамлакатларнинг ёшлар парламентлари билан ҳамкорлик қилиш ва ўзаро тажриба алмашиб ишлаш кераклигига алоҳида тўхталиб ўтди. Бу сўзларни тинглаб, олдимиздаги вазифа нақадар масъулиятли эканлигига, яна бир марта амин бўлиб, ўзимнинг бундан кейинги мақсад ва вазифаларимни белгилаб олдим.

Ўз туманим ёшларига, тенгдошу ҳамкасбларимга шуни айтишим керакки, "вақт – оқар сув", уни шунчаки фойдасиз нарсаларга сарфламасдан, фарзандларимиз ёрқин келажаги йўлида сарфлашимиз зарур. Мен маҳаллий Кенгаш депутати, оила бекаси, икки фарзанд тарбиясидаги ёш она, бир корхона технологи ҳамда эндиликда Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси сифатида атрофимдаги ёшларни бирдамликка, ўзига берилаётган имкониятлардан кенг фойдаланишга, ҳаётда фақат яхши ишлар, эзгу амаллар қолдиришга чорлайман. Бир сўз билан айтганда, ҳаётда фаол бўлайлик!



**Манзура УМИРОВА,**
**халқ депутатлари Иштихон туман Кенгаши депутати,**
**Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси**

Жорий йилнинг 17-18 февраль кунлари давлатимиз раҳбари Қувайт давлати Амири Шайх Мишъал ас-Сабоҳнинг таклифига биноан ушбу мамлакатга расмий ташрифини амалга оширди.

Ташриф давомида Ўзбекистон билан Қувайт ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция-молиявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари бўйича келишувларга эришилди.

# КЕНГ ҚАМРОВЛИ ШЕРИКЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ



**Зиёдбек ЮНУСОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси**

Ал-Қувайт шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида иккала мамлакат етакчилари томонидан Ўзбекистон – Қувайт кенг қамровли шериклик муносабатларини ривожлантириш тўғрисида қўшма баёнот қабул қилиниб, саноат, ҳаво қатновлари, меҳнат, "Ақлли" шаҳарлар, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, туризм соҳалари ҳамда Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Шунингдек, музокаралар давомида Президентимиз Қувайтда муваффақиятли амалга оширилаётган, мақсад ва вазифалари Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг узоқ муддатли устувор йўналишларига ҳамоҳанг бўлган "Нигоҳ 2035" (Kuwait Vision 2035) давлат дастурини алоҳида қайд этди.

Сабаби, Қувайтнинг "Нигоҳ 2035" ва Ўзбекистоннинг "Ўзбекистон – 2030" стратегиялари ўз мамлакатларини трансформация қилишга қаратилган узоқ муддатли миллий ривожланиш дастурларидир. Бироқ, уларнинг асосий йўналиш, устуворлик ва чақириқлари иқтисодий тузилмалар, географик жойлашуви ва бошқарув моделлари (Қувайт конституцион монархия давлати) туфайли фарқланади.

Қувайт ҳам, Ўзбекистон ҳам ўз иқтисодиётларини трансформация қилиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва глобал рақобатбардошликни оширишга қаратилган улкан миллий ривожланиш стратегияларини амалга оширишга киришган.

2017 йилда бошланган Kuwait Vision 2035 ёки New Kuwait дастури, иқтисодиётни нефтга қарамликдан узоқлаштириш ва мамлакатни минтақавий молиявий ва тижорат маркази сифатида танитишга қаратилган.

Худди шундай, 2023 йилда қабул қилинган Ўзбекистоннинг 2030 йилгача Тараққиёт стратегиясида саноатни модернизация қилиш, рақамли трансформация ва иқтисодиётни либераллаштиришга алоҳида эътибор берилган. Уларнинг иқтисодий тузилмалари бир-биридан фарқ қилсада, иккала стратегия марказида барқарорлик, инсон капиталини ривожлантириш ва инновацион тараққиётга урғу берилган.

Қизиқарлиси, икки мамлакат миллий ривожланиш дастурларида ўхшаш йўналиш ва мақсадлар кам эмас. Хусусан:

Иқтисодиётни диверсификация қилиш – иккала мамлакат ҳам анъанавий иқтисодиёт тармоқларига (Қувайт учун нефть, Ўзбекистон учун фойдали қазилмалар) қарамликни камайтиришга интилмоқда. Ўзбекистонда ушбу мақсадда фойдали қазилмалар ва хомашё эспорти ўрнига саноатни ривожлантирган ҳолда юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариб, уларни экспортга йўналтириш назарда тутилган.

Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, Кувайт ялпи ички маҳсулоти 2023 йилда 163,7 млрд. долларни ташкил этиб, унинг 51 фоизи нефть даромадларидан олинган. Нонефть секторининг ўсиши йилига 6 фоизни ташкил этди. Нефть ва газ Қувайт экспорти ва давлат даромадларининг 90 фоизидан ортиғини ташкил қилади.

– ***Инновациялар ва технологиялар*** – рақамли трансформация, СИ ва ақлли инфратузилмага катта эътибор қаратилган;

– ***Хорижий сармояларни жалб қилиш*** – ҳар иккала стратегия ҳам инвесторлар учун қулай муҳит яратишга устувор аҳамият берган;

– ***Таълим ва инсон капиталини ривожлантириш*** – таълимни модернизация қилиш ва глобал миқёсда рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга умумий эътибор қаратилган;

– ***Инфратузилма ва шаҳарсозлик*** – алоқани кучайтириш ва шаҳарларни модернизация қилиш учун улкан лойиҳалар тайёрланган.

Ўхшаш ният ва мақсадларга қарамасдан, асосан иқтисодий тузилма ва географик жойлашуви нуқтаи назаридан дастурларнинг фарқли томонлари ҳам мавжуд.

Қувайт миллий дастурида нефтга асосланган иқтисоддан молиявий ва савдо марказларига, шунингдек, хусусийлаштириш ва мега-лойиҳаларга эътибор қаратади.

"Ўзбекистон – 2030" стратегиясида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ЯИМда саноат улушини ошириш, таълим соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар ва минтақавий ривожланишга катта эътибор қаратилган ҳолда саноатлаштириш, инновациялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш муҳим жой эгаллаган.

Ривожланиши ва пировард мақсадлари бир-бирига яқин бўлган икки мамлакат миллий дастурлари доирасида потенциал ҳамкорликни бир неча соҳалар орқали амалга ошириш имкони бор. Жумладан:

– ***технология ва сунъий интеллект*** – Ўзбекистоннинг сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси Қувайтнинг ақлли бошқарув ташаббусларига мос келган ҳолда, қўшма тадқиқотлар ва стартапларни жадаллаштириш дастурларини амалга ошириш мумкин;

– ***таълим алмашинуви*** – *Кувайт университетлари ва Ўзбекистоннинг ривожланаётган муҳандислик мактаблари ўртасида қўшма тадқиқот ва талабалар алмашинуви дастурлари бўйича ҳамкорлик қилиш имкониятлари катта;*

– ***логистика ва савдо*** – *Қувайтнинг Форс кўрфазидаги савдо маркази сифатидаги стратегик жойлашуви ва Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги мавқеи қўшма логистика йўлаклари ва транспорт инфратузилмасига сармоя киритиш учун имкониятлар яратади;*

– ***ишлаб чиқаришга сармоя киритиш*** – *Қувайтнинг суверен жамғармаси Ўзбекистоннинг ўсиб бораётган саноат тармоқларига, жумладан, тўқимачилик, автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалигига сармоя киритиши мумкин (2024 йилда Жамғарма бошқарувидаги активларнинг умумий қиймати 980 млрд. долларни ташкил этган).*

Иккала стратегия ҳам иқтисодий ўзгаришлар ва барқарорликка қаратилгани билан аҳамиятли. Қувайтнинг режаси кўпроқ молия ва жаҳон савдосига йўналтирилган бўлсада, Ўзбекистоннинг ёндашуви инновациялар, сунъий интеллект ва саноат модернизацияси, иқтисодиёт диверсификацияси, рақамли трансформация ва инсон капиталига сармоя киритишга асосланган. Икки давлатнинг савдо, технология, энергетика ва таълим соҳасидаги стратегик ҳамкорлиги уларнинг миллий мақсадларини тезлаштириши ва узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириши мумкин.

Муносабат

# РАҚАМЛАШТИРИШ – мамлакатнинг тараққиёт драйвери




Ҳар биримиз кундалик ҳаётимизда ишлатаётган электрон хизматларга тобора ўрганиб қолаётганимиз, мақсадимизга эришиш учун имкон қадар тез, осон ва қулай бўлган усулларни топишга ва ундан фойдаланишга ҳаракат қилаётганимиз айни ҳақиқат. Бу эрталаб транспортдан фойдаланишдан бошлаб, кечқурун егулик буюртма қилишгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Айниқса, энг оддий жараён – коммунал тўловларни тўлаш ёки давлат ташкилоти билан боғлиқ муносабатга киришишда давлат хизматларидан фойдаланиш фуқаролар учун оддий ҳолга айланиб улгурди.

**Дурбек МАҲКАМОВ,**
**Тошкент давлат юридик университети Ташкилий-назорат ва стратегик режалаштириш бошқармаси бошлиғи**

Фуқаролар учун оддий жараёндек туюлган ушбу ислоҳотлар энг қуйи бўғингача етиб бораётганлиги, халқимиз ушбу жараёнда фаол ва мамнуният билан иштирок этаётганлиги Президентимиз ташаббуслари асосида давлатимизнинг рақамлаштириш сиёсати аниқ ва тизимли йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Бу фуқароларнинг кундалик ҳаётидаги жараён бўлса, давлат бошқаруви даражасида ҳам ана шундай ислоҳотлар тобора авж олмоқда. Зеро, ҳозирги замонда рақамлаштириш самарали давлат бошқарувининг асосий омилига айланмоқда.

2025 йил 7 февралда бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз *"Қайси раҳбар рақамлаштиришни кечиктирса – очиқлик сиёсатимизга қарши чиққан бўлади"*, деб таъкидлагани давлатимизнинг янги босқичдаги замонавий бошқарув тенденциясига ўтганлигидан далолат беради. Масалан, "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясида ҳам бошқарув жараёнларига илғор технологияларни жорий этиш, ижро интизомини яхшилаш ва фуқароларнинг давлат институтларига ишончини мустаҳкамлаш асосий мақсад сифатида илгари сурилган.

Бу борада Президентимиз раҳбарлигидаги йиғилишда ҳудуд ва тармоқларни рақамлаштириш юзасидан, масалан, Туризм қўмитаси туристлар учун меҳмонхона, дам олиш масканларини "брон" қилиш, авиа ва темир йўл, музей, театрга чипта сотиб олиш каби хизматларни масофадан олиш имконини берадиган платформани ишга тушириши, Ташқи ишлар ва Адлия вазирликлари Ўзбекистонга кириш учун электрон визани 3 кунда расмийлаштириш имконини яратиши, Вазирлар Маҳкамасига ҳар бир вазир ва ҳокимга рақамлаштириш бўйича алоҳида KPI, аниқ вазифа ва муддатларни белгилаб бериш каби топшириқларнинг берилганлиги рақамлаштириш сиёсатининг навбатдаги босқичига чиқаётганлигимиздан далолат беради.

Давлат бошқарувини рақамлаштириш соҳасида катта натижаларга эришган Жанубий Корея, Сингапур, Эстония каби давлатлар ҳам айнан биз босиб ўтаётган рақамлаштириш сиёсатини олиб бораётганлигини, бунинг учун узоқ муддатли даврни босиб ўтганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Жанубий Кореяда "Gov 3.0" дастури давлат хизматларининг шаффоф ва фуқаролар учун мослашувчан қилиб яратилганлиги, бу эса давлат бошқарувидаги самарадорликни кескин даражада оширганлигини, Сингапур дунёда давлат хизматларини рақамлаштиришда инновацион ёндашув – "Smart Nation" стратегияси доирасида сунъий интеллект, "Blockchain" ва "IoT" технологиялари асосида давлат бошқарувини самарали ташкил этган кам сонли мамлакатлар қаторида туриши, Эстония рақамли давлат бошқарув соҳасида пешқадам бўлиб, давлат хизматларидан онлайн тарзда фойдаланиш мумкин бўлган "Электрон резидентлик" дастурини жорий этганлигини айтишимиз мумкин.

Технологиялар жадал ривожланиб бораётган шароитда рақамли сервисларнинг янада кенгайиши, сунъий интеллект ва "Blockchain" ечимларининг қўлланилиши давлат сектори учун янги имкониятларни очиб беради ва уни аҳоли учун янада қулай ва осон қилади.

Бу борада янги ислоҳот сифатида айтиш мумкинки, бизда ҳам фуқаролар учун сунъий интеллект технологияси қўлланилган янги хизмат турини Адлия вазирлиги тақдим этди. Бу "LEX AI" – сунъий интеллект ёрдамида ҳуқуқий масалаларга жавоб топишга кўмаклашадиган ягона платформа бўлиб, бу ҳужжатларни ҳуқуқшунос иштирокисиз ҳуқуқий масалаларга жавоб топадиган, берилган у ёки бу ҳуқуқий муаммонинг ечими юзасидан тегишли амалиётни таҳлил қилиш асосида жавоб берадиган хизмат ҳисобланади.

Умуман олганда, давлатимизда янгича ёндашув асосида электрон давлат хизматларини жорий этиш, бюрократик жараёнларни автоматлаштириш ва инсон омилининг қарорлар қабул қилишдаги таъсирини камайтириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. "Электрон ҳукумат" (E-Government) дастури доирасида my.gov.uz каби платформалар яратилганлиги ва ривожлантирилаётганлиги фуқароларга онлайн режимда кенг кўламли хизматлардан фойдаланиш, давлат органлари билан мулоқотни осонлаштириш ва яна бир муҳим томони, коррупция хавфини камайтириш имконини беради. Бундан ташқари, вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари интеграция қилиниши натижасида аризаларнинг кўриб чиқиш муддатлари кескин қисқаришига эришилди. Бу эса ҳужжатлар айланишининг тезлашиши ва давлат тузилмалари ўртасида мувофиқлашувни яхшилаш имконини берди. Масалан, "Ijro.gov.uz" ягона интеграциялашган ахборот тизимининг жорий этилиши ижро интизомини кучайтириш, топшириқларнинг бажарилиши устидан тезкор назорат ўрнатиш ва жараёнларнинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилди.

Рақамлаштириш – фақат янги технологияларни жорий этиш эмас, балки давлат бошқаруви тизимини тубдан ўзгартириш жараёнидир. Давлатимизда ушбу жараён катта ислоҳотлар драйверига айланиб, давлат хизматларининг шаффоф, тезкор ва самарали кўрсатилишида муҳим ўрин тутмоқда. Буни ҳар бир давлат хизматчиси ҳар куни бўлаётган ислоҳотлардан кўриши ва ўз иш жараёнида қўллаётганлигидан билиши мумкин. Мазкур жараёнда нафақат давлат хизматчиси, балки ҳар бир фуқаро ислоҳотларга хайрихоҳ бўлган ҳолда, жамоатчилик фаоли сифатида тўғри фойдаланиш орқали иштирок этиши муҳимдир.

## "Adolat" маслаҳатхонаси

### – Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масалани ҳал қилиш қандай амалга оширилади?

*– Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масала илгари қабул қилинган суд ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида янги суд ҳужжатини қабул қилган суд томонидан ҳал этилади.*

*Агар суд ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги қарорда унинг қайтарма ижроси тўғрисида кўрсатма бўлмаса, жавобгар биринчи инстанция судига тегишли ариза беришга ҳақли.*

*Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги ариза судга келиб тушган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда, тарафлар чақиртирилмасдан ва суд муҳокамасисиз суд мажлисида кўриб чиқилади.*

*Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги аризага илгари қабул қилинган суд ҳужжати ижро этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.*

*Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.*

*Ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.*

*Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, суд ундирилган пул маблағларини, мол-мулкни ёки унинг қийматини қайтариш учун ижро варақаси беради.*

### Судда вакиллик, вакиллар орқали иш юритиш тартиби қандай юритилади?

*– Судда юридик шахсларнинг ишларини уларнинг қонунчиликда ёки таъсис ҳужжатларида берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қиладиган органлари ва (ёки) вакиллари юритади.*

*Фуқаролар ўз ишларини судда шахсан ўзлари ва (ёки) вакиллари орқали юритишга ҳақлидир. Фуқаронинг ишда шахсан иштирок этиши уни иш бўйича вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.*

*Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини судда уларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар, васийлар ёки ҳомийлар) ҳимоя қилади. Қонуний вакиллар судда иш юритишни ўзлари танлаган вакилга топшириши мумкин.*

*Агар қонунда бу бевосита назарда тутилмаган бўлса, қуйидагилар шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллар бўлиши мумкин:*

*1) адвокатлар;*

*2) юридик шахсларнинг ходимлари – шу юридик шахсларнинг ишлари бўйича;*

*3) нотижорат ташкилотларининг ваколатли вакиллари – шу ташкилотлар аъзоларининг ишлари бўйича;*

*4) қонунда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган нотижорат ташкилотларининг ваколатли вакиллари;*

*5) биргаликдаги процессуал иштирокчилардан бири бошқа биргаликдаги иштирокчиларнинг топшириғи бўйича;*

*6) ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига биноан суд томонидан рухсат берилган бошқа шахслар.*

*Судда вакил сифатида ишларни юритиш бўйича профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши мумкин.*

**Саволга Тошкент вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси М.ДЎСМАТОВА жавоб берди**

## "Адолат" шарҳи

# Маъмурий судлар фаолияти такомиллашади

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги кенг кўламли ислоҳотлар изчиллик билан давом этмоқда. Жорий йилнинг 30 январь куни Президентимиз томонидан «Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорнинг имзоланиши ҳам бу борадаги муҳим қадамдир.



**Солижон ҚУРБОНОВ,**
**Фарғона туманлараро маъмурий судининг раиси**

Мазкур ҳужжатнинг бош мақсади маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштиришдан иборат. Шу мақсадда давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ва самарали ҳимоя этилишини устувор равишда таъминлаш, уларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклашда суднинг фаол иштироки принципини қўллаш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш, маъмурий суд ишларини юритишда низоларни судгача ҳал қилиш механизмларини такомиллаштириш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш орқали аҳолининг суд тизимига бўлган ишончини янада ошириш, суд қарорлари ижро этилиши устидан назоратнинг таъсирчан механизмларини тўлиқ жорий этиш, ривожланган давлатлар тажрибаси асосида маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштириб бориш кўзда тутилган.

Гап шундаки, бундан буён қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлик) устидан шикоят қилинаётган давлат органи мансабдор шахси ёки унинг вакили суд мажлисида мажбурий иштирок этиши таъминланади. Давлат органи мансабдор шахси ёки унинг вакили иштирок этиши зарур деб топилган ҳолларда маъмурий ишни кўриб чиқиш кейинга қолдирилади. Унинг иштироки ишнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва тўғри ҳал қилинишига тўсқинлик қилмаган тақдирда, иш давлат органи мансабдор шахси ёки унинг вакили иштирокисиз кўриб чиқилади. Бордию, давлат органи мансабдор шахси ёки унинг вакили суд муҳокамасига келмаса ва унинг келмаганлиги суд томонидан узрли деб топилмаса, суд мансабдор шахсга жарима қўллайди. Шунингдек, маъмурий судда ишларни тезкор ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлашга ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қўшимча имкониятлар яратишга қаратилган дастлабки эшитув институти жорий этилади.

Дастлабки эшитувда аризачининг талаблари ва жавобгарнинг эътирозлари аниқлаштирилиб, аризадаги камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилади. Талабларни исботлаш учун аризачига зарур далилларни ҳамда жавобгарга фикрни ёзма равишда тақдим этиш бўйича тушунтиришлар берилади. Аризадаги талаблар ва ишдаги далилларга судья томонидан дастлабки ҳуқуқий баҳо (талабларни аниқлаштириш, ишга дахлдор бўлмаган тарафларни алмаштириш, қўшимча жавобгарни жалб қилиш ва бошқалар) берилади. Бунда кўрилаётган ишнинг мазмунан ҳал этилиши бўйича якуний фикр билдиришга йўл қўйилмайди.

Дастлабки эшитув ариза судга келиб тушган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказилади, ушбу муддат суд муҳокамаси учун белгиланган муддатга киритилмайди. Натижада аризани қайтариш ёки иш бўйича суд муҳокамасини тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Бундан ташқари, маъмурий судга низоларни ҳал этиш жараёнида судга ҳурматсизлик қилиш ёки суднинг хусусий ажрими бўйича чоралар кўрмасликка оид ҳуқуқбузарликлар аниқланса, судга ўша маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишни кўриш ваколати берилади.

Давлатимиз раҳбарининг айни қарорида тадбиркорлик субъектларининг вақт ва маблағ билан боғлиқ ортиқча харажатларини қисқартириш чоралари ҳам ўз аксини топган. Яъни, 2025 йил 1 майдан бошлаб тадбиркорлик субъекти томонидан тан олинган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича солиқ органи томонидан ушбу тадбиркорлик субъектининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб қўйилади. Агар тадбиркорлик субъекти солиққа оид ҳуқуқбузарликни тан олмаса ҳамда солиқ органи томонидан ўзининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб қўйилишига эътироз билдирса, айни масала солиқ органи аризасига асосан суд томонидан ҳал этилади. Энг муҳими, мазкур ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси янги таҳрирда қабул қилинади.

## Жиноятга жазо муқаррар

# Йўл талашиб...



У.Ф. ҳали 30 ёшга ҳам тўлмаган. Бироқ у жиноят содир этгани учун судланди. Гап шундаки, у Яккасарой туманида жойлашган ресторанлардан бирининг ёнида Б.Т. билан йўл талашиб жанжаллашган. Натижада Б.Т.нинг чап қўл билак қисмига ўзига тегишли бўлган канцелярия пичоғи билан ўртача тан жароҳат етказган.

**Баҳодир ҚАЮМОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг судьяси**

Судда судланувчи У.Ф. айбига иқрорлик билдирди. Яъни, жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимасдан, баданга ўртача оғир шикаст етказганлигини тан олди.

– *Ўша куни жабрланувчи Б.Т. билан йўл талашиб, жанжаллашиб қолдик,* – деди судда судланувчи У.Ф. – *Жаҳл устида ёнимдаги пичоқ билан унинг билагига жароҳат етказдим. Қўлидан қон оқа бошлаганини кўриб қаттиқ қўрқиб кетдим. Унинг қўлини боғлаб, шифохонага олиб бордим. Оқибатини ўйламаган эканман. Ҳозирда қилган ишимдан қаттиқ пушаймонман.*

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Б.Т.нинг кўрсатма беришича, ўша куни ўз ишлари билан Яккасарой туманида автомашинасида кетаётганида ёнидан "Матиз" русумли автомобиль сиқиб ўтиб, бирданига тормоз босган. Шундан кейин "Матиз" кетмасдан жойида тураверган. Ҳайдовчидан нима сабабдан туриб қолганини сўраганида баланд овозда жаҳл қилган. Кейинчалик унга исми маълум бўлган У.Ф. машинадан тушиб, четроққа чиқариб билагига пичоқ урган. Қонни кўргач, футболкасини ечиб, қўлини боғлаб шифохонага олиб борган.

Суд ҳукми билан У.Ф. жиноят содир этганликда айбли деб топилиб, унга 1 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Энди ўйлаб кўрайлик. Арзимас гап-сўзларга жаҳл қилиб муштлашиш, пичоқ ўқталиш ҳолатлари юз бериб турибди. Баъзида бу ҳолатлар оғир оқибатларга олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам кўчада, жамоат жойларида юрганимизда хушмуомала бўлайлик. Ўзгаларни ҳурмат қилайлик. Шундагина ортиқча гап-сўзлар бўлмайди.




# Истиқлолни орзу қилган

# МИЛЛАТПАРВАР АЛЛОМА

**Шундай инсонлар бўладики, улар тириклигида ёқиб кетган маърифат машъали замонлар ўтиши билан тобора ёрқинроқ алангаланади. Ул зотларнинг ўз халқи ва Ватани учун нечоғлик қайғургани, пок эътиқоди ва миллати учун ўлимга тик боқиб, ҳаётини неча бора хавф-хатарга солганликлари ҳис этилади, қайта-қайта эсланади. Улар ибратидан улги олиш, авлодлар учун тарбиявий дастур ўлароқ истеъфода этиш истаги кучаяди. Улар яратиб кетган маънавий бойлик ўз халқига тоабад мерос бўлиб қолади, кўплаб авлодлар баҳраманд бўлади.**

**Жаннатмакон бобом Алихонтўра Соғуний ҳақларида хотира ёзиш мен учун катта шараф ва ғоятда мароқли иш бўлиши билан бирга, улкан масъулият ҳам ҳисобланади.**

Баҳманёр ШОКИР

XX аср бошларида Туркистонда жуда мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият юзага келган эди. Ўлкада Русия ҳукмронлиги нисбатан осонгина ўрнатилганига ҳам бир неча ўн йиллар ўтди. Бир-бирлари билан муттасил ёвлашиб, жаҳолат, хурофот ва фитна-фасодларга обдон ботган ўзбек давлатларининг куни битаётган эди. Қўқон хонлиги буткул тугатилган, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги номигагина давлат мақомида бўлиб, ҳар жиҳатдан Русияга қарам ҳолатда эди. Ўзининг миллий мустақил давлати бўлмагач, "миллат" ва "халқ" тушунчалари жуда нисбий бўлади.

Онгсиз, тобе, муте, жарликка бошласа ҳам сўзсиз эргашиб кетаверадиган оломон пайдо бўлган эди. Бундай оломоннинг ичидан фикри тиниқ, миллий онг ва ғурури бўлган баркамол шахснинг етишиб чиқиши ниҳоятда мушкулдир.

Таниқли олим, ижодкор Иброҳим Ғофуров бу хусусда шундай ёзади: *"Тарихий манбалардан маълумки, аср бошларига келиб, миллатнинг ижтимоий ва маиший ҳаётида таназзул, турғунлик сўнг нуқтасига етган эди. Турғунлик ва таназзулнинг ички, ташқи сабаблари кўп ҳамда мураккаб. Лекин ташқи сабаблардан кўра ҳам ички сабаблар жиддийроқ. Ички сабаблардан бири – миллий бехабарлик эди. Халқнинг кўпчилик қисми дунё ишларидан, бошқа мамлакатлар ва халқларнинг ҳаёти, турмуш даражасидан, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан, улар учун курашларидан хабардор эмас эди. Рост, Туронда темир йўллар қурилган, мустамлакачилик руҳидаги газеталар ва Туркистон тўпламлари вақт-бевақт чиқиб турар, чеккалардан ҳам ислоҳ руҳидаги газета-журналлар келиб турар, бироқ халқ уларни билмас, ўқимас, энг ёмони – билишни истамас эди*!"

Шокирхонтўра эшон ҳазратлари, хабарсизликнинг, тутқунликнинг чиркин руҳи фарзандларига сингиб қолмаслиги учун фарзандлари Олимхонтўра ва Алихонтўраларни Макка шаҳрига олиб бориб, ўқишга жойлаган эди.

Онги етук миллатпарвар инсоннинг "билмас ва билишни ҳам истамовчи" халқ (оломон) ичида яшаши нақадар оғир!

Чунки бу халқ ҳар қанча зулм, оғир турмуш бўлса-да, сира "нега?" демайди, ожизларча "тирикчилик"да давом этаверади!

Шунинг учундир йигирма ёшлик Алихонтўра андижонлик Матмуса эшондан: *"Мусулмонлар қандай қилиб ривожга ва маданий тараққиётга эришсак бўлар экан?"* деб сўраганида, эшон ниҳоятда ҳайратланиб: *"Сизнинг ёшингизда бундай савол айтадурган ёш йигитни ҳали Андижон музофотида кўрганим йўқ",* дейди.

Негаки, ҳамма лоқайд – турмушига, умрига, Ватанига, келажагига... лоқайд!

Соғунийнинг кузатишича, Шарқий Туркистон, Қошғар томонларда ҳам шу аҳвол: *"Энди бу ерда қанча турган бўлсам, менга ҳамкор бўлгудек, келажак учун қайғурган бир киши бўлсин, кўра олмадим. Афғонистон, Ҳиндистон чегаралари бўшлигидан фойдаланиб, у томонларга ўтишимни ўйлаган бўлсам ҳам, ёлғиз бош қайғусида, бола-чақалардан ажраб, суюкли Ватанимни душман қўлига ташлаб кетишни ўзимга лойиқ топмадим. Шуни билмак керакким, Қуръоннинг ҳукмига, Расулуллоҳнинг йўлига яхши тушунмай динга хиёнат қилган, икки дунёсидан ажраб ўз Ватанида хорлик билан яшаган ёлғон мусулмонлардан илм-фан, маданиятни ўзлаштириб, бутун ҳуқуқларига эга бўлган кофирлар, албатта, ортиқдур. Бу кун Уйғуристонни қоплаган онгсизлик офатини кўргач, у ердан умидим узилиб, ночор, янгидан ўт олаётган фитна ўчоғи ичидаги ўз юртим Тўқмоққа қайтиб келдим. Қарасам, сиёсидан қўрққан қуёндек ҳар ерда қочиб-писиб юриб кун кўраётган ҳақсиз кишилар ҳам оз эмас эканлар".*

Соҳибқирон Амир Темурнинг шарафли даврларини кечириб, сўнгра бир неча юз йиллар давомида ҳар соҳада тўхтовсиз тубан кетган миллат ва халқ, миллий давлатчиликнинг аҳволи шундай аянчли бўлгач, энди кимдан андоза олиш мумкин?

Энди ўша муте халқ устида янада хавфлироқ ҳокимият – даҳрий Шўролар давлати борган сари кучайиб бормоқда эди. Айни дамда Туркистон замини – коммунизм офатининг униб-ўсиб, яхши ҳосил бериши мумкин бўлган қулай минтақа эди. Ҳазрат Соғунийнинг эътирофича, *"...Инсоният оламининг офати, заҳарлик меваси ҳисобланган коммунистлар бозори қандай ерда қизиди? Сўзга тушунмаган, ҳеч нарса билмаган, айниқса, йўқсиллик-камбағалликда яшаётган гумроҳ, Ватан, миллат нима эканлигини билмайдиган онгсиз нодонлар кўп бўлса, мана шулар ичидагина ривожланиб, тезда ишлари авж олди".*

Афсуски, она юртни даҳрий босқинчилардан тозалаш ўша даврдаги ўта мураккаб вазиятда имконсиз эди. Жумладан, совет даврида "босмачилик ҳаракати" деб номланган, аслида Ватан озодлиги учун курашган миллат фарзандларининг мағлубиятларига асосий сабаблардан бири – буюк озодлик ғояси атрофида миллатни бирлаштирадиган, замон сиёсатини яхши тушунган, онгли раҳбарият ёки миллат етакчиси бўлмаганлигида эди.

Алихонтўра Соғуний жасоратли фикр эгаси – биринчи бўлиб Амир Темур ҳақидаги ҳақиқатни қўрқмай очиқ айтган. Ул зотнинг қонхўр эмас, инсонпарвар, одил бўлганини ва жоҳил эмас, аксинча, оқил ва фозил жаҳонгир бўлганини далиллар билан исботлади.

Мақолаларининг бирида шундай ёзган: *"Тарихни тўғри, воқелиги билан пухта ўрганиш илм аҳлининг қатъий ва зарурий бурчидирки, мен "Темур тузуклари"ни узоқ вақт жиддий ўрганиб чиқдим. Ўша вақт давр тарихий манбаларини қиёсий солиштирдим. Ишончим тиклангандан сўнг она тилимизга таржима қилишга журъат этдим. "Темур тузуклари" ўзлигимизни англашда жуда муҳим тарихий асардирки, бундан хабарсиз қолиш оғир ғафлатимиз ҳисобланади".*

1967 йили "Гулистон" журналида чиқа бошлаган "Темур тузуклари"нинг кучқудрати шунчалик бўлган эдики, адолатдан қўрққан ўша даврнинг баъзи раҳбарлари асарни охиригача бостирмай тўхтатиб қўйишган эди.

*"Ҳар бир давлат раҳбари, подшоси агар "Темур тузуклари"дан мукаммал хабардор бўлса ва унга амал қилса, у энг одил, энг қудратли ва енгилмас давлат подшоси бўлиши муқаррар",* деганди бобом.

Бобомиз суҳбатларида ҳазрат Амир Темур тузган буюк салтанат ва тарихимиздаги улуғ даврлар ҳақида сўзлаб, Ўзбекистон халқи тобеликдан, муқаддас тупроғимиз эса босқинчилардан озод бўлиши кераклигини кўп такрорлар эди.

Айниқса, умрининг сўнгги йиллари(70-йиллар)да мустақиллик ҳақидаги фикрлари қатъийлашиб, ҳатто унинг деярли аниқ вақтигача айта бошлаганди:

*– Мен-ку, уни кўра олмайман, лекин сизлар, албатта, кўрасизлар, болаларим. 15–20 йиллардан сўнг ботқоқ устига қурилган мана бу бадбахт тузум – Совет ҳукумати ўз-ўзидан йўқ бўлади, Ўзбекистон мустақил давлатга айланади,* – дерди.

Биз учун бу башорат хаёлий чўпчакка ўхшарди. Чунки дунёга даҳшат солган қудратли СССР мамлакати бизнинг тасаввуримизда минг йиллар яшайдигандек эди. Совет мафкураси бу ташвиқотни эрта-ю кеч, тинимсиз такрорларди.

Бобом мустақиллик тўғрисидаги гапларни фақат биз – фарзандларига эмас, бошқа давраларда ҳам гапирган экан. Бу ҳақда атоқли адиб Абдуқаҳҳор Иброҳимов "Ватан туйғуси" китобида ҳам эслаб ўтган: *"Замонанинг кетиши шу бўлса, умумжаҳон равнақи оқимида миллатларнинг миллий уйғонишлари кучаяверади, бунинг самараси ўлароқ, мазлум халқларнинг ўз миллий етакчилари етишиб чиқажак, иншооллоҳ. Шу ўзгаришлар натижасида мустабид тузумнинг темир қўрғонлари тор-мор қилиниб, асрлар бўйи золимлар асорати остида ётган бечора Ватан аҳллари ўзларининг ҳалол мерослари, она-Ватанлари бўлган Туркистон ўлкасига шунда, албатта, эга бўладилар.*

*Сизлардан илтимос қилардимки, ўша ёруғ кунларга – Истиқлол замонига етганингизда, Алихонтўра Соғуний бу дунёга исломпарастгина эмас, балки инсонпараст бўлиб келган эди, бутун ҳаёти давомида шунга қаттиқ содиқ бўлиб қолган эди, дея каминани ҳам бир эслаб қўйсангиз, руҳимни шод этган бўлар эдингиз. Валлоҳи аълам".*

Бобомнинг ош ҳақидаги машҳур иборалари бугун тез-тез эсланяпти, турли давраларда тилга олинаяпти. Моҳиятни ниҳоятда аниқ ифодалаган, нишонга бехато теккан бу ибора замирида жуда катта дард бор, аслида. Бу иборада миллатни уйғоқ ва онгли кўриш истаги ётади.

Бу воқеани раҳматли отам Муҳаммадёрхонтўра ўз укасига – Аҳмадёр амакимга гапириб берган экан. Бобом тўй-издиҳомларга отам Муҳаммадёрхонтўра билан бирга боришган.

Ўшанда эрта баҳор кунлари, саҳарда бир қариндошнинг тўй ошига бирга боришади. Кун совуқ, энди тонг отмоқда. Кўпчилик айтилгани боис, кўчада одамлар саф тортиб, ош ейишга навбат кутиб туришар эди. Одоб, сабр ва ҳафсала билан навбат кутаётган тумонат издиҳомни кўргач, бирпас тўхтаб, сафга назар солади. *"Бай, бай, бай! Қани эди, бу ўзбек ўғлонлари шу тартибда, шундай ғайрат ва ихлос билан Ватан озодлиги учун жангга кирса!"* деб, тизилиб турган узун сафга завқ билан узоқ тикилиб қолган экан.

Отам бобомнинг руҳий ҳолати ва кечинмаларини жуда зийраклик билан илғар эди. Бу сўзларни айтган бобомнинг қиёфаларида бир қадар ўкинч, алам, истеҳзо ҳам борлигини англаган. Бобомнинг сўзларида *"Қани энди, миллатимиз илму-маърифатда, тараққиёт ва ўзликни англашда ҳам мана шундай бирлик-жипслик бўлса эди",* деган алам, ҳасрат бор эди.

Аммо ошхўрлик, таъбир жоиз бўлса, бизда салкам "миллий қадрият" даражасига кўтарилган. Ош гўё бир мўъжиза. Ўзбекда икки кишининг боши бирикса – ош, ўғил туғилса – "ўғил оши", қиз туғилса – "қиз оши", тўй оши, ток оши, бедана оши, ҳар бир вилоятнинг ўзининг алоҳида оши бор. Кимдир машина олса – "машина оши", трактор олса – "трактор оши, "диплом оши", "права оши", энди янги ош чиқибди – "радар оши". Бу ош ДАН ходимларига қилиб берилади. Маҳалла оши, дарвеш оши, ҳожи оши... хуллас, санаб адоғига етолмайсиз.

Баъзилар "саҳар соат 4 да уйғониб, ошга бориши кераклиги" боис, астойдил тайёргарлик кўришади. Шундан аёнки, улар ибодат учун, бомдод намози учун, бошқа хайрли ишлар учун саҳар туришга одатланмаганлар. Аммо ошнинг "ҳурмати" учун каллаи-саҳарлаб уйқудан туришдек "заҳмат"га тайёрлар!

Бугун ўзбеклар жамоасини маърифий давраларда, тарих ва тараққиёт мавзусидаги суҳбатлар, китобхонлик, қиссахонлик... учун бир жойда жамлаш, "бошини қовуштириш" осон эмас. Бундай тадбирларга кимнингдир вақти йўқ, кимдир касал ва ҳоказо сабаблар топилиши аниқ. Аммо ўзбек ош атрофида уюшган ҳолда, ўз вақтида, ҳатто айтилганидан аввалроқ ҳозир бўлади! Ош учун катта-катта издиҳомлар уюштириш, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш, маблағи етмаса, катта қарзлар кўтаришдан асло чўчимайди, илло, оши "фалончиникидан кам бўлмаса – бас"!

Алломанинг ярим асрдан кўпроқ вақт илгари айтган сўзлари бугун халқимиз қалбида акс-садо бераётгани ижтимоий тармоқлардаги ёзишмаларда ҳам яққол кўринмоқда. Миллат тараққиётига тушов бўлиб, иллатга айланган айрим "удум"ларимизга танқидий кўз билан қараш ҳам – ўзига хос мардликдир.

Аллома Соғуний мустабид замонда ҳам дину иймондан заррача чекинмаган, бетакрор фаолияти, ўлмас асарлари билан ўзбекнинг номини дунёга ёйган. Бугун чет элларда ул зот ҳақида биздан кўра яхшироқ билишади. Бугун ўндан зиёд хорижий давлатларда ҳазрат тўғрисида ўттиздан зиёд китоб чоп этилган. Соғунийнинг серқирра ҳаёти бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, шу йўналишда олимлик рутбасига эришганлар ҳам... хорижликлардир.

Ҳазрат Соғуний маънавий меросини чуқур ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш зарурияти бугун даврнинг ўзи тақозо этаётир. Масалан, жаҳон тиббиётида ҳануз давоси топилмаётган саратон (рак) иллатини бобомиз уй шароитида, анчайин оддий усул ҳамда воситалар орқали даволаган. Бунинг сир-синоатларини чуқур ўрганиш, тадқиқ ва татбиқ этиш – тиббиётимиз учун ўзига хос дастур бериши шубҳасиз. Ҳазрат малҳам сифатида қўллаган гиёҳлар юртимизда униб-ўсувчи неъматлардир, буларни ўрганиш, кўпайтириш, жаҳонга олиб чиқиш – бу ҳам бугунги долзарб дастурлардан бири эмасми?

Аллома меросининг аҳамияти, ёшлар тарбияси, илм-фан, ҳарб илми ва бошқа жабҳаларда ҳам бугун жуда долзарб саналади.

Ҳазрат Соғунийга кўра, инсоннинг энг қадрли, қимматли тўрт нарсаси бордир. Бу тўрт нарсага эга бўлмаган кишилар инсонлик шарафидан маҳрум бўладилар. Уларнинг **биринчиси,** ҳар одам ўз эрк ва ихтиёрига эга бўлмоғидир. Ўзида эрки йўқ, қўлида ихтиёри йўқ одамларнинг ҳайвондан фарқи йўқ ҳисоблаган.

**Иккинчиси,** шаръий ёки қонуний касблари орқали топган молу дунёси, қилган меҳнатининг меваси шу топгувчининг ўз ҳақи бўлган хос мулкидир.

**Учинчиси,** ҳар бир миллатнинг ҳақиқий онаси, у миллатнинг туғилиб ўсган, ота-бобосидан мерос қолган Ватанидур. Она-Ватанни бошқалар тасаррруфига қолдирмоқ Ватан авлодларининг кечирилмас оғир жиноятидир, балки инсон ҳуқуқларига қилган хиёнатидир.

**Тўртинчиси**, ҳар мамлакат халқининг асрлар бўйи асралиб келаётган муқаддас динларидир...

Алихонтўра Соғунийнинг эътиқод, тил ва Ватанга бўлган муҳаббат ҳисси чексиз эди. Ҳақиқий фожиани илмсизликда деб билар эди. Соғуний ёвуз ниятли кишиларга қарши курашишда энг асосий қурол илм эканлигини таъкидлашдан чарчамаган.

Бугун аллома орзу қилган замон келди: юрт мустақил, эркимиз ўз қўлимизда, дунёга йўллар очиқ, иймон-эътиқод эркин, илм дарбозалари очиқ! Шу аснода Алихонтўра Соғуний ҳаёти ва фаолияти, алломанинг маънавий меросига қизиқиш кучайиб бораётгани, ғоят қувонарлидир.

Ана шундай мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, пойтахтимизда Алихонтўра Соғуний номли маърифий-ватанпарварлик маркази очилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Марказнинг очилиши улуғ устоз, ватанпарвар зот, бу йил таваллудига 140 йил бўладиган қомусий аллома Алихонтўра Соғуний маънавий меросини бугунги ва келгуси авлодларга етказиш йўлида танланган муҳим қадам, давлатимиз томонидан миллий мафкура ва маънавий-маърифий тарғибот соҳаларидаги ишлар сифатини янада ошириш, моҳият ва кўламини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларга амалий жавоб бўлар эди.

Улуғ бобомизнинг бой маънавий мероси ва асарлари халқимизни доимо руҳлантиради, иймон-эътиқодда собит бўлишга ундаб, нурли манзилларга бошлайверади.

# Беруний ва Ибн Сино ўртасида илмий ёзишмалар бўлганини биласизми?

**Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилаётган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида буюк алломалар Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино ўртасидаги илмий ёзишмаларни экспозицияда намойиш этиш режалаштирилган. Бу ёзишмалар X аср охирида юз берган илмий мулоқотлар бўлиб, астрономия, фалсафа ва физика соҳаларидаги мураккаб масалаларни қамраб олади.**



Беруний ва Ибн Сино ўз замонасининг йирик олимлари сифатида илмий мунозаралар олиб борган. Ибн Сино Берунийнинг саволларига жавоб йўллаган, бироқ баъзи масалаларда эътироз билдирган. Бу ёзишмаларнинг муҳим жиҳати шундаки, улар Аристотелнинг "Осмон ҳақида китоб" асари ва физика қонунларини чуқур таҳлил қилишга асосланган.

Ёзишмаларнинг қўлёзмалари жаҳон фондларида сақланиб, илк марта 1917 йили Қоҳирада "Жомиъ ул-бадоиъ" тўпламида чоп этилган. 1950 йили эса ушбу ёзишмалар ўзбек, араб ва рус тилларида алоҳида китоб шаклида нашр этилган. Кейинчалик 1953 йилда Истанбул университети томонидан нашр қилинган "Ибн Сино рисолалари" тўпламида ҳам ўрин олган.

Тарихий ҳужжатлар жаҳон фондларидан йиғилиб, қўлёзмаларнинг факсимиль нашри тайёрланади. Бу манбалар асосида Беруний ва Ибн Сино ёзишмалари Ислом цивилизацияси маркази экспозициясига киритилиши режалаштирилган.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази мазкур экспозиция орқали буюк аждодларимизнинг илм-фанга қўшган ҳиссасини янада чуқурроқ ўрганиш ва жамоатчиликка тақдим этишни мақсад қилган.

# Темурийлар даврига оид Қуръон қўлёзмасининг яна бир нусхаси топилди

**АҚШдаги йирик кутубхоналардан бирида Темурийлар даврига оид Қуръони Карим қўлёзмасининг яна бир нусхаси топилди.**

Бу ҳақда Франция Олий тадқиқотлар маркази профессори Карим



Ифрак Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази билан онлайн учрашувда маълум қилди.

Карим Ифрак 2024 йилда ўтказилган "Буюк аждодлар мероси – III Ренессанс асоси" VIII халқаро конгресс ҳамда Халқаро маданий мерос ҳафталигида иштирок этиб, Темурийлар даврида кўчирилган нодир рангли Қуръони Карим қўлёзмаси ҳақида қизиқарли маълумотлар берган эди.

Ҳозирда мазкур қўлёзма Ислом цивилизацияси маркази лойиҳалари қаторига киритилган.

Учрашув давомида Карим Ифрак АҚШдаги йирик кутубхоналардан бирида ушбу қўлёзманинг яна бир нусхаси топилганини маълум қилди.

Шунингдек, у "Қуръони Каримнинг Темурийлар даври қўлёзмалари" мавзусида Марказ билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирди.

Мулоқотда Ислом цивилизацияси марказининг катта илмий ходими Азимжон Ғафуров, халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Иззат Иброҳимов ва марказ илмий котиби Рустам Жабборов иштирок этди.

Карим Ифрак келгуси халқаро анжуманларда ўзининг янги кашфиётлари билан иштирок этишини таъкидлади. Шунингдек, унинг "Исломнинг пайғамбари: ғарблик буюк олимлар нигоҳидаги беш аср" номли янги китоби нашрга тайёрланаётгани маълум қилинди.

**Ислом цивилизацияси маркази Ахборот хизмати**

## Ҳикмат

**АЛИХОНТЎРА СОҒУНИЙ**

"Ҳуқуқлар ҳимоясининг энг кучли қуроли илм-ҳунар ва маорифдир. ...Ватанимиз ўғлон-қизлари замонавий илм-ҳунарни асли билан яхши тушуниб, имконияти борича билиб ўзлаштиришга бошқалардан ортиқроқ киришмоқлари лозимдир".

# АДОЛАТ бор жойда ТАРАҚҚИЁТ БАРҚАРОР БЎЛАДИ

*30 йилдан буён “Адолат” партияси аъзоси, Жиззах вилоятидан илк Олий Мажлис депутатлигига сайланган Мўътабар СОДИҚОВА билан суҳбат*








***– Мўътабар опа, суҳбатимиз аввалида ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз.***

– Тўғриси, сиз қўнғироқ қилганингизда орадан шунча вақт ўтса ҳам партия ўз фахрийларини унутмаганидан хурсанд бўлдим. Мен билан боғланганларингда дастлаб ҳайратландим, сўнгра қувондим. Ўтган даврларни ёдга солдингиз.

Асли шифокорман. Жиззах вилояти Пахтакор туманида 1977-1995 йиллар мобайнида жарроҳ ҳамда туман марказий касалхонаси бош врачининг тиббий ишлар бўйича ўринбосари лавозимларида ишлаганман. 1995-1999 йилларда эса Олий Мажлис депутати бўлганман.

Депутатлик ваколатим тугагандан сўнг, 2010 йилгача, яъни нафақага чиққунга қадар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлигида Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимида фаолият юритдим. Ўша даврларда вазирлик томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида тайёрланган ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳукумат қарорлари лойиҳалари, низомлар ва аҳолини протез ортопедия маҳсулотлари билан таъминлаш тўғрисидаги услубий қўлланмаларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этганман.

***– Партиянинг илк фаолият йиллари тўғрисида нима дея оласиз?***

– Олий Мажлис депутати кезларим эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 44 нафар депутати ва бошқа жамоатчилик вакилларининг ташаббуси ҳамда саъй-ҳаракатлари билан мамлакатимиз тарихида янги – ягона социал-демократик партия вужудга келди. 1995 йил 18 февраль куни партиянинг таъсис Қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой қарори билан янги ташкил бўлган партияга Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси номи берилди. Унинг Низоми ва дастурлари тасдиқланди. Партиянинг таъсис Қурултойида депутат сифатида иштирок этганман. Буюк бобомиз Амир Темурнинг “Куч – адолатда” шиори партиянинг асосий шиори сифатида белгиланди. Бундан ташқари, Қурултой қарори билан партиянинг босма нашри – “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси таъсис этилди ва 1995 йил 22 февраль кунидан бошлаб мунтазам равишда чоп этиш йўлга қўйилди. Ўша йилнинг ўзида 3000 нафардан ортиқ фуқаролар мамлакатимизда ягона бўлган социал-демократик партияга аъзо бўлишганди. Республикамизнинг барча ҳудудларида бошланғич партия ташкилотлари ҳисобига маҳаллий ва ҳудудий кенгашлар ташкил топди. Ўша даврларда партиянинг Сиёсий Кенгаши аъзоси бўлганман, партия йиғилишлари, тадбирларида фаол иштирок этганман.

***– Депутатлик фаолиятингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?***

– Мустақилликнинг илк йилларидан давлат ҳокимиятининг энг муҳим институтларидан бири сифатида Миллий парламентни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. 1994 йил 23 сентябрь куни Олий Кенгашнинг ўн иккинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига биринчи сайловни 1994 йил 25 декабрда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мана шу илк сайловда номзодим Жиззах вилояти 74-Пахтакор сайлов округидан кўрсатилган бўлиб, сайловчиларнинг хоҳиш-иродаси билан Олий Мажлис депутати этиб сайланганман.

Олий Мажлисда доимий асосда фаолият кўрсатувчи депутат бўлганман. 1995-1996 йилларда Олий мажлис Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси котиби, кейинчалик Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари бўлиб фаолият юритганман. Олий Мажлисда фаолият юритиш билан бирга ҳар шанба ва якшанба кунлари сайланган округимда сайловчилар билан учрашув ўтказардим. Сайлов округига Пахтакор ҳамда Зафаробод туманлари киритилган бўлиб, жойларда аҳолини қийнаётган муаммолар ва камчиликларни ўрганиш, уларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратардим.

Ўша пайтда Жиззах вилоят ҳокими бўлган Шавкат Мирзиёев доим депутатлар фаолиятига қизиқиб, мурожаатларини тинглаб, ечим топишда яқиндан кўмак берарди. Эсимда, 1997 йил эди. Ҳар доимгидек, сайловчилар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш билан овора эдим. Пахтакор туманидаги хўжаликдан аҳоли ичимлик суви учун қудуқ қазиб, сув чиқариш кераклиги бўйича мурожаат келиб тушганди. Муаммони ҳал этиш мақсадида, кеч бўлишига қарамай, депутатлик сўрови билан вилоят ҳокими қабулига кирдим. Ўша куни вилоят ҳокими аҳоли муаммоларини тинглар экан, бу муаммони ҳал этишда кўмак беришини таъкидлади. Мурожаат тегишли ташкилотлар орқали ҳал этилиб, жуда тез фурсатда аҳоли ичимлик суви билан таъминланди.

Бундай мисолларни жуда кўплаб келтиришим мумкин.

***– Партиямиз сафида сиздай инсонлар борлигидан хурсандмиз ва бу билан фахрланамиз.***

– Мен 30 йилдан буён партия аъзосиман. Доим партия фаолиятига қизиқиб келганман. Яхши биламизки, инсон ҳар доим адолат сари интилиб яшайди. Адолат бор жойда ҳаёт барқарор, тараққиёт бардавом бўлади. “Адолат” партиясининг ҳам бош мақсади жамиятда адолатни қарор топтиришдан иборат. Шундай экан, партиядошларимизга мана шу улкан ва масъулиятли вазифани адо этишда куч-ғайрат ҳамда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлишини тилаб қоламан!

**Суҳбатдош:**
**Шаҳноза СОАТОВА,**
**Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби**

---

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси ҳамда Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси билан ҳамкорликда “Соғлом турмуш тарзи – саломатлик гарови” мавзусида ўтказилган конференцияда ҳаёт, саломатлик ва қарилик гаштини суриб юриш билан боғлиқ долзарб масалалар ҳақида сўз борди.

# ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИК ва ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**Улуғой ОДИЛОВА,**
**Наманган вилоят кенгаши депутати**



Маълумки, кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Улар асосида аҳоли саломатлигини тиклайдиган яшил сиҳатгоҳлар, соғломлаштириш масканлари, инфаркт, инсульт, қандли диабет, хавфли ўсма каби юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, ўртача умр кўришни узайтириш учун тавсиялар ишлаб чиқилди, шарт-шароитлар яратилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, мавжуд касалликларнинг келиб чиқиш сабабларининг эллик фоизи бевосита инсоннинг турмуш тарзига боғлиқ экан. Бугунги кунда юқумли бўлмаган касалликларнинг авж олишига асосан ҳаракатсизлик ва овқатланиш маданиятига амал қилмаслик сабаб бўлаётгани ҳам бор гап.

Кези келганда, ўтган йилги сайловда кўпчиликда қизиқиш уйғотган воқеалардан бири ҳақда айтиб ўтмоқчиман. Ўшанда сайлов иштирокчисига айланиб, овоз берган 104 ёшли икки онахон номи ижтимоий тармоқларда машҳур бўлганди. Уларнинг бири мингбулоқлик Каромат Йўлдошева бўлса, иккинчиси поплик Суҳсурби Имомқулова эди.

Суҳсурби момо билан шахсан учрашиб, суҳбатлашган чоғимда у киши шу ёшга қадар фаол ҳаракат ва тўғри овқатланишга эътиборли бўлганликлари ҳақида сўзлаб бергандилар. Дарҳақиқат, айни пайтда бир асрдан ошиқ умргузаронлик қилган бу онахонлар бугунги кун кишиси каби инсон жисмига зарар етказадиган ичимлик, егуликларни истеъмол қилишмаган. Уларнинг дастурхонида иммунитетни меъёрда сақлаб турадиган туршак, майиз, жийда, ёнғоқ ва писта бўлган. Қишдан эсон-омон чиқиб, иликузилди даври бошланган пайтда табиий ҳолда ўсадиган ялпиз, исмалоқ, отқулоқ, жағ-жағ, чумчуқтили, шўра каби кўкатлардан қонни суюлтириш, атала, қайнатма шўрва ҳамда сумалак, ҳалим, шилон каби таомлардан куч тўплаш мақсадида истеъмол қилишган. Дастурхонда қатиқ, қаймоқ, пишлоқ, ҳасип, калла гўшт бўлган. Кўпроқ пиёда юришган, ер чопиб, деҳончилик қилишган.

Бугунги кунга келиб, ҳаракатсизлик ва пала-партиш овқатланиш билан боғлиқ ҳолатлар туфайли касалликлар сони кўпайиб бормоқда. Ва бу касалликлар хавфлилик даражаси бўйича барча касалликлардан олдинлаб кетган, деб ҳисобланмоқда. Афсуски, бунинг оқибатида қон босимининг ортиши ва қандли диабет касалликлари сони бутун дунёда бўлгани каби, юртимизда ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Аслида бизнинг диёримиз тўрт фасли мукаммал, қуёшли кунларга, юлдузли тунларга, тоза ҳаво ва шифобахш сабзавоту меваларга бой жаннатмакон гўша ҳисобланади. Бу юртда соғлигининг қадрига етадиган, нафсини жиловлай оладиган киши, шубҳасиз, юқорида номлари тилга олиб ўтилган момолардай юз ёшдан ошганда ҳам фаол бўлиб, давралар тўрида дуогўй бўлиб юришлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, партия етакчиси Робахон Махмудова ташаббуси билан ўтказилган мазкур конференцияда бугунги куннинг энг долзарб масаласи кўтарилди. Чиндан ҳам соғлом турмуш тарзини шакллантиришда тўғри овқатланиш ва жисмоний фаолликни ошириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, гигиена қоидаларига риоя қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратиш керак бўлади. Шу билан бирга, конференцияда алоҳида таъкидланганидек, барча жабҳада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳар бир фуқаронинг жисмоний фаоллигини ошириш, иштирокчиларни рағбатлантириш ташаббусини қўллашни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Зеро, фуқаролари соғлом бўлган юрт қудратли, иқтисодий бақувват ва обод бўлиб бораверади.

---

## Ҳикмат

***Мен тўғри йўлда йиқилган инсонни кўрмадим!***
*Саъдий Шерозий*

***Ҳаё – инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофати. Ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди.***
*Абу Али ибн Сино*

***Агар келажакда бир кун «кошки эди» деб қолишни истамасанг, уч нарсани тўғри танла! Рафиқангни, ишингни, дўстингни.***
*Юнус Эмро*

***Қуёш тиғида юрмоққа жасорати етмаган инсон сояда қолмоққа ва сояни нур деб ҳисобламоққа маҳкумдир!***
*Шамс Табризий*

***Гар сирингни асраш ўзингга малолдир, бошқа биров уни асрамоғи маҳолдир.***
*«Маҳбуб ул-қулуб»дан*

***Сизни мақтаган инсонлардан тинчгина узоқлашинг. Мақтовнинг охири кибр ва ғафлатдир.***
*Альберт Камю*

***Зарур гапни айтолмаганинг учун бир марта аттанг қилсанг, тилингни тия олмаганинг учун эса минг марта аттанглайсан.***
*Лев Толстой*

***Совуган чой ёки совуган гуручга чидаш мумкин. Аммо совуқ нигоҳ ва совуқ мижозга термулиш азоб.***
*Япон мақоли*

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши
QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!
Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ
Таҳрир ҳайъати:
Робахон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Зуҳра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)
Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Навбатчи муҳаррир – Камол Матёқубов
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 201
Адади – 2 021
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.